

_____ йилдаги _____ - сонли
харид қилиш тартиб-таомиллари турларини
танлаш бўйича «Шайхонтохур туманиХТБ»харид
комиссияси йигилиш баённомасига 2-илова

Видеокузатув тизими үскуналари
хариди учун

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА
ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Буюртмачи: “Шайхонтохур тумани ХТБ”

Ташкент – 2022 й.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Энг яхши таклифларни танлаш мөҳияти	Видеокузатув тизими ускуналари
Лот бўлиниши	Йўқ, лот бўлинмайди
Хариднинг режа жадвали	2022 йил 4 чорак
Савдолар ўтказиладиган ой	Октябрь
Молиялаштириш манбай	Бюджет мабалги
Бошланғич нархи	155 000 000 сум 15% ҚҚС билан
Тўлов шартлари	Аkkreditiv ёки етказиб бергандан сўнг, агар етказиб берувчи биринчи тоифали банк томонидан берилган бўнак тўловини қайтариш учун банк кафолатини тақдим этса, олдиндан тўлаш мумкин.
Тўлов муддати	30 кун мобайнида
Тўлов валютаси	UZS, RUB, USD, EUR
Товар етказиб бериладиган жой ва шартлар	Автомобил транспортида –Тошкент ш. Етказиб бериш сотувчи ҳисобидан бўлади.
Товар етказиб бериш муддати)	90 иш кун
Танлаш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	Энг яхши таклифларни танлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шу каби ўхшаш етказиб беришларни амалга оширишда иштирок этиш тақиқланмаган, уларда иштирок этиш учун қўйиладиган шартларни бажарган, рақобатга асосланган харид қилинаётган тегишли товарни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар), шунингдек хорижий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишлари мумкин.
Таклифни расмийлаштириш шакли	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан
Таклифлар бериш муддати (камидা 5 иш куни)	12 иш куни
Масъул хизмат, боғланиладиган шахс, телефон, эл. почта	Мухандис, Комилов III , +71 244-65-03

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	Умумий қоидалар	<p>1.1 Ушбу харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (бундан буён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.</p> <p>1.2 Бошланғич нархи ва валюта харид қилиш хужжатларининг энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумотида кўрсатилган. Таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархидан ошмаслиги керак.</p> <p>1.3 Харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топшириқ маҳсус ахборот порталида эълонида келтирилган.</p>
2	Танлаш ташкилотчилари	<p>2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён – Танлаш) Буюртмачиси “Шайхонтохур тумани ХТБ” 82 МАКТАБ (бундан буён – Буюртмачи) ҳисобланади. Буюртмачининг юридик манзили: МАРКАЗ 14 17 А УЙ</p>
3	Танлаш иштирокчилари	<p>3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу хужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш хужжатларининг 4.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.</p> <p>3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга бўлишлари керак.</p>
4	Танлашни ўтказиш тартиби	<p>4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қонунчилик ва харид қилиш хужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт.</p> <p>4.2 Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:</p> <ul style="list-style-type: none">- зарур хужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;- инсофизиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сонли ва 2020 йил 6

		<p>сентябрдаги 2020-34-сонли, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Кенгашининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7 ва 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сонли, 01-02/19-22, 7/4-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 2020 йил 12 октябрда 2467-3-сон билан ўзгартириш ва қўшимча қилинган) қарорларига мувофиқ рўйхат бўйича имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамлари бўлган;</p> <ul style="list-style-type: none"> - харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган; - таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси бир хил танлаш лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.
4.3		<p>Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса; - иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.
5	Танлаш тили, ўлчов бирликлари	<p>5.1</p> <p>Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар, давлат тилида ва, зарурятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга рус ёки ўзбек тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофиқликлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қиласи. Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими қўлланилиши керак.</p> <p>5.2</p> <p>Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими қўлланилиши керак.</p>
6	Таклиф ва уни расмийлаштириш тартиби	<p>6.1</p> <p>Махсус ахборот порталаида (бундан буён – МАП) эълон қилинган танлаш шартлари бўйича таклифни электрон шаклда юборадилар.</p> <p>6.2</p> <p>Танлаш иштирокчиси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишонччилиги учун жавобгардир; - фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли;

		- тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.
7	Таклиф тақдим этиш муддатини узайтириш	6.3 Таклиф ва барча ҳужжатлар электрон шаклда ХТБга тақдим этилади. Таклиф ХТБда эълон қилинган пайтдан эътиборан лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади. 6.5 Иштирокчиларнинг таклифлари амал қилиш муддати таклифни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камидан 30 кун бўлиши керак.
8	Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш	7.1 Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин. 7.2 Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон ХТБда жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. 8.1 Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камидан уч иш кунига узайтирилади. Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
9	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонлари	9.1 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн иш куни мобайнида Харид комиссияси томонидан амалга оширилади. 9.2 Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди. 9.3 Рўйхат, шунингдек иштирокчи томонидан тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакллари харид қилиш ҳужжатларининг 1-иловасида кўрсатилган.. 9.4 Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир. 9.5 Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш ХТБ эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.

	9.6	Таклиф амалдаги Қонун ва харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.
	9.7	Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.
	9.8	Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл кўйилмайди.
	9.9	Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари маҳсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.
	9.10	Харид қилиш хужжатларида ва таклифлarda кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
	9.11	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳукукига эга.
	9.12	Хорижий ва маҳаллий Танлов иштирокчилари нархларини тўғри таққослаш учун баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, агар бошланғич нархи хорижий валютада кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинган ҳолда ҳам қайта ҳисоблаб чиқилади.
10	Танлаш ғолибини аниқлаш	<p>10.1 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.</p> <p>10.2 Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида мухокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари бўйича икки иш куни мобайнида танлаш иштирокчиларидан эътиrozлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси</p>

		<p>эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.</p> <p>Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.</p>
11	Томонларнинг жавобгарлиги ва маҳфийликка риоя қилиниши	<p>10.3 Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш хуқуқига эга.</p>
12	Бошқа шартлар	<p>11.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган маҳфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган эксперталар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун таклини ўрганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар бўладилар.</p> <p>11.2 Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (микдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.</p> <p>11.3 Танлаш иштирокчилари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.</p> <p>12.1 Харид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.</p> <p>12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш хуқуқига эга.</p> <p>12.3 Танлаш иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш хужжатларининг 2-иловасида келтирилган шаклдаги харид қилиш хужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишига ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичиди, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш хужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш хужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.</p> <p>12.4 Танлаш қуйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; - агар таклифларни кўриб чиқиши натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса. <p>12.5 Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш хуқуқига</p>

		эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини ХТБда эълон қиласди.
13	Шартнома тузиш	13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартнома шартлари асосида тузилади. Шу билан бирга, харид қилиш ҳужжатларига илова қилинган шартнома лойиҳаси якуний эмас ва шартнома тузилгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу харид қилиш ҳужжатларига зид бўлмаган, қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда етказиб берувчи билан келишилган ҳолда, ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
	13.2	Харид комиссиясининг қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчисига ғолиб аниқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичida харид комиссиясининг қарори тўғрисида ёзма хабарнома юборилади. Буюртмачи ва танлов ғолиби, ғолиб эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) иш куни ичida шартнома тузишлари лозим.
	13.3	Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуки захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.
	13.4	Ғолиб томонидан шартномани кечиктириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (захирадаги – баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

**Таклиф ҳужжатлари
РҮЙХАТИ**

1. Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар (*1-шакл*).
2. Иштирочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буортмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи кафолат хати (*2-шакл*).
3. Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза (*3-шакл*).
4. Ўхшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот (*4-шакл*).
5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини (*5-шакл*).
6. Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шартлари тўғрисида маълумот (*6-шакл*).
7. Имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўtkazilganda маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслигини (*7-шакл*).